

## Бомдод намозини ўқиш вақти ҳақида | Ҳадис дарслари (278-дарс)



19:00 / 17.04.2024 4325

هُنَعُ هَلْ لَّا يَضَرَّ زَرْبَ يَبَا نَع  
هَلْ لَّا يَلَّصُّ يَبْنَلَا نَاكَ : لَاق  
خُبُّصَلَا يَلَّصُّ يَمَلَّسَوِ هَيْلَع  
أَرْقِي وَهُسَّيَلَجُ فِرْعَى أَنْ دَحْ أَوْ

يَلِي نِيَّتِ سَلَا نِيَّ بَ امَّ اهِي ف  
الْاِسْمُ خَلَا هَاوَرِيَّةً اَمَّا  
: نَسَلَا بَاخْ صَا لَو . يَذْمُرْتَلَا  
مَظْعَا هُنَّ اِفْرَجْ لَاب اُورْفُ سَا  
رَجَّ اَل

Абу Барза розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Бомдод намозини биздан биримиз ёнидаги одамни танийдиган ҳолда бўлганида ўқир эдилар. Унда олтмиш оятдан юз оятгача қироат қилар эдилар».**

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

«**Сунан**» эгалари қилган ривоятда у зот соллаллоху алайҳи васаллам:

**«Бомдодни ёруғлик яхши тарқалганда ўқинг. Бас, ўшанинг ажри улугдир»**, деганлар.

**Шарҳ:** Абу Барза розияллоху анҳунинг бу ривоятларини ўша вақт воқеълигидан келиб чиқиб тушуниш керак. У вақтларда масжидда чироқ бўлмаган. Шунинг учун Бомдод намозини ўқиш учун масжидда ўтириб, ёнидаги одамни таниб оладиган даражада тонг отиши ўлчов (белги) қилинмоқда.

Шу билан бирга, Бомдодни ўқишни жуда ортга суриб, қуёш чиқишига яқинлаштириб юбормаслик учун Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг намоздаги қироатлари олтмиш оятдан юз оятгача бўлганлиги ҳам зикр қилинмоқда. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам шошилмай, дона-дона қилиб, ҳар оятнинг охирида тўхтаб, қироат қилар эдилар.

Сунан китоблари эгалари томонидан ривоят қилинган зиёдада эса  
Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Бомдодни тонг яхши  
ёришганда ўқишнинг ажри улуғлигини таъкидламоқдалар.

Ҳанафий мазҳабида мана шу ривоятга амал қилинади. Шунинг учун аввал  
ўтган ҳадислардан бирини ўқиб олиб, дарҳол ҳанафийларни ҳақорат  
қилишга шошилмаслик керак. Шу билан бирга, бошқалар ўз мазҳаби  
бўйича олдинги вақтда ўқисалар, уларни ҳам хатода айбламаслик лозим.

***«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.***